

ҲАРБИЙ ХОТИН-ҚИЗЛАР КАСБИЙ ФАОЛИЯТИДА  
ВАТАНПАРВАРЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

**Зикирова Махпрат Солиевна**

*Мустақил тадқиқотчи*

**КИРИШ**

Аёлларнинг ижтимоий ҳаёт ва давлат бошқарувидаги ўрни асрлар мобайнида эволюцияга учраб келган. Айниқса, ҳарбий соҳада уларнинг иштироки анъанавий равишда чекланган бўлса-да, тарихий мисоллар шундан далолат берадики, аёллар ҳам эркаклар билан елкадош туриб Ватан ҳимоясида фаол қатнашган. Бугунги кунда гендер тенглик сиёсати, миллий армияларда аёлларнинг улуши ортиб бораётгани ҳамда уларнинг маънавий ва жисмоний тайёргарлиги ҳарбий соҳадаги ролини янада кучайтирмоқда [1].

Жаҳон тарихи тажрибасида ҳарбий хотин-қизлар фаолиятини таҳлил этсак, маълумки, қадимги дунёда аёлларнинг ҳарбий фаолиятдаги иштироки турли шаклларда намоён бўлган. Жумладан, қадимги Спартада қизлар ҳам жисмоний машқлар ва ҳарбий тайёргарликдан ўтган. Улар «соғлом она соғлом фарзанд туғади» деган қараш асосида тарбияланган бўлиб, юришларда эркакларни руҳлантириш ва юрт ҳимоясида иштирок этишга тайёр бўлган [2]. Амазонкалар ҳақидаги мифлар аёллардан иборат жангчи қўшинларнинг мавжудлигини кўрсатади. Геродот ва Страбон асарларида амазонкалар саройлар ва юртларни ҳимоя қилган, ҳатто юнон қаҳрамонлари билан тўқнаш келгани ҳақида маълумотлар бор [3]. Клеопатра VII (м.а. I аср) Мисрда юрт мустақиллиги учун римликларга қарши сиёсий ва ҳарбий кураш олиб борган. У ҳарбий стратегия ва сиёсий иттифоқларда фаол қатнашган. Жанна д'Арк (XV аср) Франция тарихида миллий озодлик кураши рамзи сифатида абадий қолган. У йигирма ёшига етмай қўшинларга раҳбарлик қилиб, французларнинг инглизлар устидан ғалабасига ҳисса қўшган [4].

Шу мисоллардан кўринадикки, ҳарбий соҳада аёллар иштироки дунё тарихининг турли босқичларида қайд этилган ва уларнинг жасорати жамиятда ватанпарварлик тимсолига айланган.

Шунингдек, Россия ва Совет Иттифоқи тарихида ҳам аёллар юрт ҳимоясида муҳим рол ўйнаган. Эътибор берсак, Киевнинг Буюк герцогиняси Ольга, Новгород ҳокими Марфа Борецкая, Севастопол муҳофаазидаги қаҳрамон аёллар (Д.А. Ростовская, Д. Севастопольская) авлод хотирасида алоҳида ўрин тутган. Биринчи жаҳон уруши даврида «Аёллар ўлим батальонлари» ташкил этилгани тарихий янгилик эди. Унда минглаб аёллар фронтга йўлланди [5]. Фуқаролик урушида ҳам қизил ва оқ армиялар сафида пулемётчи, милтиқчи, отлик, шифокор ва комиссар аёллар хизмат қилган. Иккинчи жаҳон уруши (1941-1945)да эса Совет Армияси сафида 800 мингдан ортиқ аёллар хизмат

қилди. Улар орасида снайперлар, учувчилар (Н. Кравцова, М. Раскова), танкчилар ва алоқачилар бор эди. Бу дунё амалиётида биринчи марта махсус жангчи аёллар бўлинмалари ташкил этилганини кўрсатади [6].

Ўзбекистон тарихида ҳам аёлларнинг ҳарбий жасорати ҳақида ёрқин мисоллар мавжуд. Барчага тарихдан яхши маълум бўлган Тўмарис (Tomiris) — милoddан аввалги VI асрда массагетлар маликаси сифатида Эрон шоҳи Кир IIга қарши ҳал қилувчи жангда ғалаба қозонган. Бу воқеа нафақат Марказий Осиё, балки жаҳон тарихи учун ҳам аёл жасоратининг рамзи бўлиб қолди [7]. Халқ оғзаки ижоди ва қаҳрамонлик дostonларида масалан, «Алпомиш»да Барчин образи аёлларнинг жангчи сифатида иштирок этиши ва ватанпарварликка даъвати акс этган. Туркий халқлар тарихида Малика Пахта, Озодахон каби аёллар ҳам юриш ва курашларда иштирок этгани тилга олинади. Мустақил Ўзбекистон тарихида эса хотин-қизлар миллий армия сафида турли мутахассисликларда хизмат қилиб, армиянинг жанговар салоҳияти ва маънавий тарбиясини мустаҳкамламоқда. Бугун улар офицер, ҳуқуқшунос, шифокор ва муҳандис сифатида хизмат қилиб, давлат мустақиллиги ва хавфсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларни ҳарбий хизматга жалб қилишга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, 2021 йилда қабул қилинган “Хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ролини янада ошириш стратегияси” доирасида ҳарбий соҳада ҳам гендер тенгликка эътибор кучайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия ва Давлат хавфсизлик хизмати тизимларида хотин-қизлар сони ортиб бормоқда. Улар қўмондонлик, ҳуқуқий масалалар, тиббиёт, психологик хизмат ва жанговар тайёргарлик соҳаларида фаолият олиб боришмоқда.

Халқаро тажрибада эса, бугунги кунда дунё мамлакатлари тажрибаси ҳам ҳарбий хотин-қизларнинг ватанпарварлик руҳини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Масалан: АҚШ армия сафида хизмат қилаётган аёллар сони 230 мингдан ортиқ. Улар командирлик лавозимларига ҳам тайинланмоқда. Исроилда барча хотин-қизлар учун мажбурий ҳарбий хизмат жорий қилинган. Бу уларда жамоавий масъулият ва фидойиликни шакллантиради. Россияда эса, ҳарбий тиббиёт ва ҳуқуқий хизмат соҳаларида аёллар фаоллиги юқори бўлмоқда.

Бу тажрибалар Ўзбекистон учун ҳам долзарб ҳисобланади, чунки хотин-қизларнинг ватан ҳимоясидаги иштироки уларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини кенгайтиради.

Мазкур таҳлиллар ватанпарварликнинг гендер хусусиятларини ёритади. Хотин-қизлар ҳарбий соҳада ватанпарварликни куйидаги жиҳатлар билан бойитади. Масалан, тарбиячи сифатида — оилада фарзандларга Ватанга садоқат руҳини сингдириши, ёки инсонпарварлик хусусиятлари билан — меҳр-

шафқатни ҳарбий интизом билан уйғунлаштириши ҳамда намуна сифатида — ёш қизлар учун касбий йўналишда илҳом манбаи бўлишида намоён бўлади.

Ўзбекистонда ҳарбий хотин-қизлар фаолияти қуйидаги ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (янги таҳрир);
- “Мудофаа тўғрисида”ги Қонун (1993 й.);
- “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонун (2004 й.);
- Президент фармон ва қарорлари, жумладан, 2019 йилда қабул қилинган “Хотин-қизлар ва оила давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони - ҳуқуқий асосларни ташкил этади. Хотин-қизларнинг ҳарбий соҳадаги фаолиятини қонуний жиҳатдан таъминлаб, уларнинг ватанпарварлик вазифасини кучайтиради.

Ҳарбий хотин-қизларнинг касбий фаолиятида ватанпарварликнинг ривожланиши қатор ижобий натижаларга эга бўлса-да, ҳали ечимини кутаётган бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, кадрлар тайёрлаш масаласи бўлиб, хотин-қизлар учун ҳарбий таълим муассасаларида ўқув дастурлари етарлича гендер хусусиятларини ҳисобга олмайди. Ҳарбий раҳбарлик ва қўмондонлик лавозимларида хотин-қизлар сони жуда камли кўзга ташланади. Замонавий ҳарбий технология ва инновацияларни ўзлаштиришда қизларнинг иштироки чекланган.

Мазкур муаммоларни ечими сифатида хотин-қизлар учун махсус таълим дастурлари ва грантлар жорий этиш таклифини берган бўлардим. Ҳарбий академияларда алоҳида “аёл офицерлар тайёрлов” йўналишларини кенгайтириш лозим, деб ўйлайман. Илғор хорижий тажрибаларни (Изроил, АҚШ) амалиётга татбиқ этиш зарурдир. Шунингдек, ҳарбий хизмат давомида аёлларнинг оилавий бурчлари билан касбий мажбуриятлари ўртасида мувозанатни таъминлаш қийин кечади. Болали ҳарбий хотин-қизлар учун ижтимоий инфратузилмалар (боғча, турар-жой) чеклангани барчага маълум. Ҳарбий хизмат орқали оилавий ажримлар ва психологик зўриқишлар ҳолати кузатилади. Бу каби муаммоларни ҳал этиш учун ҳарбий қисмларда болалар боғчалари ва ижтимоий хизмат марказлари ташкил этиш бошланган, уния на ҳам кучайтириш лозим. Хотин-қиз ҳарбий хизматчилар учун алоҳида турар-жой дастурларини амалга ошириш ҳам қисман бошланган. Психологик реабилитация ва мотивация марказларини ривожлантириш давр талабидир. Қонунчиликни ҳам такомиллашуви бугунги кунда зарурдир. Мавжуд қонунларда хотин-қизларнинг ҳарбий хизматдаги ўзига хос эҳтиёжлари тўлиқ акс этмаган. Ҳарбий хизматдан кейин уларнинг меҳнат бозорида интеграцияси учун қонунчилик кафолатлари етарли эмас. Гендер тенглик тўғрисидаги нормалар амалда тўлиқ таъминланмаган. Шу каби муаммолар ечими сифатида «Мудофаа тўғрисида»ги Қонунда аёл ҳарбий хизматчилар учун қўшимча

кафолатлар киритиш, иккинчидан, хотин-қизларнинг хизматдан кейин қайта тайёрланиш ва фуқаролик соҳаларида ишга жойлашиши учун ҳуқуқий механизмлар ишлаб чиқиш лозим. Гендер тенглик бўйича парламент назоратини кучайтириш ва қонунчиликка халқаро стандартлар (CEDAW конвенцияси)ни тўлиқ интеграция қилиш лозим.

Хулоса

Аёлларнинг ҳарбий хизматдаги иштироки инсон цивилизацияси тарихида муҳим ижтимоий-тарихий ҳодиса сифатида баҳоланади. Қадимги Спартадан тортиб, Тўмарис ва Жанна д'Арккача, совет аёллари ва замонавий ўзбек хотин-қизларигача бўлган жараён бир нарсани кўрсатади: ватанпарварлик жинсга боғлиқ эмас, балки инсоннинг маънавий-ахлоқий қиёфасига боғлиқ. Бугунги кунда Ўзбекистон Қуролли Кучларида хизмат қилаётган хотин-қизлар ҳам ана шу узлуксиз тарихий йўлнинг ворислари ҳисобланадилар. Улар нафақат армиянинг жанговар тайёргарлигини таъминлайди, балки миллий армиямизнинг маънавий қудратини ҳам юксалтирмоқда.

Ҳарбий хотин-қизлар касбий фаолиятида ватанпарварликнинг ўзига хослиги — уларнинг миллий ва давлат манфаатларига садоқатлилиги, фидойилик ва инсонпарварлик фазилатлари билан уйғунлашганлигидадир. Бу йўналишдаги давлат сиёсати ва ҳуқуқий асослар хотин-қизларнинг мамлакат ҳимоясидаги фаоллигини таъминламоқда. Шу боис ҳарбий хотин-қизларнинг фаолияти нафақат миллий хавфсизлик, балки ёш авлод тарбияси, маънавий-мафкуравий барқарорлик ва жамиятда гендер тенгликни таъминлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

#### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги Қонуни. 1993 йил 3 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. 2004 йил.
4. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: Ўзбекистон, 2021.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 февралдаги “Хотин-қизлар ва оила давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони.
6. Саттаров А. Гендер сиёсат ва ҳарбий хизматда хотин-қизлар. – Т.: Академнашр, 2022.
7. Women in the Military: Global Perspectives. – New York: Routledge, 2020.
8. Israel Defense Forces (IDF) Reports, 2021.
9. Абдуллаев, А. Қадимги дунё цивилизацияларида аёллар ижтимоий мавқеи. – Тошкент: Фан, 2019. – 212 б.

10. Плутарх. Сравнительные жизнеописания. – Москва: Наука, 1990. – 368 с.
11. Геродот. История. – Москва: Восточная литература, 1999. – 544 с.
12. Дюма, А. Жанна д’Арк. – Санкт-Петербург: Азбука, 2015. – 256 с.
13. Бочкарёва, М. Женский батальон смерти. – Петроград: 1917. – 148 с.
14. Смирнова, З.Ф. Советские женщины на фронте: 1941–1945. – Москва: Воениздат, 1985. – 301 с.
15. Толстов, С.П. Древний Хорезм. – Москва: Изд-во АН СССР, 1948. – 463 с.
16. Каримов, И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
17. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тарихи. – Тошкент: Академия, 2021. – 320 б.